



Бизлар Испаниянинг жанубий-шаркида жойлашган Картахена порт шаҳридан озгина чикканимизда кун хали ёруг эди. Машинада менинг ёнимда Испания давлат хазинаси юкори амалдори ўтирарди, лекин у ўз кўркувини яширмасди. Бизларнинг машинамиз ортидан 20 та беш тонналик машиналар карвони келарди. Сафаримизнинг максади шимол томон беш километрлар масофадаги тепаликда яширинганди. У ерда испан харбий денгиз кучларининг харбий омборлари жойлашганди. Аммо бизларни порох ёки «лимонка»ларнинг портлаши эмас, балки жиддий масала кизиктирарди. Белгиланган жойга етиб келганимизда атроф коп-коронги эди. Нихоят йўл бўйи ёкилмаган фараларни ёкишди, шунда мен куролланган одамлар билан кўрикланаётган тепаликнинг ёнбагида жойлашган улкан металл зулфинли, зирхли катта дарвозани кўрдим.

Биз прожекторлар билан ёритилган тепаликнинг икки кенг томонига кирдик, у ерда буйрук кутиб, 60 нафар испан денгизчилари тайёр туришарди. Бу ердаги катта омборнинг деворларида мингдан ортик тахта яшиклар турарди. Уларда куйма олтин ва тангалар (бир неча юз миллион долларлик) — Пиреней халкининг кадим замонлардан бери йиКиб келган бойлиги эди. Мен бу олтинларни Москвага олиб бориш учун келгандим.

Мен хикоя килаётган бу воқеа 1936 йилда бўлганди. Испанияда фукаролар урушининг бошларида, мен шу «Олтин операцияси»ни ташкил этдим. Ўрганган одатим бўйича ҳар бир дакикамни ҳисоблаб борардим. Республикачиларнинг дохийлари олтин генераллиссимус Франко кўлига тушишидан кўриқиб, Сталинга «вақтинча сақлаш» учун беришга қарор қилдилар. Қандай бўлмасин, бу тадбирнинг юзаки қонунийлигига қарамадан, мен буни асрнинг энг йирик қирибгарлиги деб атаган бўлардим.

Россияга берилган испан олтин захирасининг катта қисми қарийб 600 миллион доллар (1936 йил курси билан) кўп йиллар турли миш-мишлар ва афсоналар билан бузилиб баён қилинарди. Холбуки, урушдан сўнг бу тадбирнинг қатнашчиларидан фақат икки кишигина тирик қолган. Бир испан ва мен.

1936 йилнинг 16 сентябрида Мадридга етиб келдим. Вазифам ҳарбий разведка, НКВД тармоғи орқали катта совет миссиясини бошқариш ва республика ҳукуматининг разведка, контрразведка ва партизанлар уруши бўйича бош ҳарбий маслаҳатчи вазифасини ўташ эди. Фукаролар уруши бошланганига икки ой бўлган, ҳамма руслар қаби мен ҳам Республикачилар Испаниясининг ғалабасини жону қилдан тилардим.

Мадридга келганимга бир ой ҳам ўтмасдан совет элчихонасининг радисти «ўта махфий» грифи ёзилган радиограмма билан мени таништирди. «Швед»нинг шахсан кўлига («Швед» менинг хизмат қақабим эди). Радиограммада шундай деб ёзилганди. «Бош вазир Ларго Кабиљеро билан Совет Иттифоқига олтинларни жўнатишни қелишиб олинг. Фақатгина Совет қемаларида. Тадбирнинг ўта махфийлигини таъминланг, агар испанлар тилхат ёқи бошқа ҳужжатлар талаб этишса рад этинг. Уларга ҳамма ҳужжатлар Москвада, давлат банкида, олтинлар олингандан сўнггина берилишини қилдилинг. Бу операция учун сиз ўзингиз шахсан жавобқарсиз». Имзо. «Иван Васильевич». Иван Васильевич имзоси буйруқ шахсан Сталин томонидан берилганлигини қилдиқарди.

Шу вақтнинг ўзида Мадрид халқа ичида қисилиб қолди. Бир-икки қун ичида шахар миллатчилар томонидан ишқол этилиши хавфи турарди. СССРга олтинни топшириш 13 сентябрь қарори билан амалга ошириладиган бўлди. Қарорни президент Мануэл Азана ва қолия вазир Хуан Негринлар имзолашди. Қарорда олтинни қаерда сақлаш қўрсатилмаганди, қолия вазирга ўзининг нуқтаи-назаридан қелиб қикиб ишонарли жойга яшириш қўрсатилганди, яна қарорда олтинни Қортесда (Испан Парламенти) сақлаш имқонини қўриб қикиш қилдирилганди, табиийки испан Парламенти бу ҳолатлардан бутқул ҳабарсиз қолди.

Қарорда Совет Иттифоқи бирор марта ҳам қўрсатилмаган бўлса-да, Негрин Совет савдо аттешесига муқожаат этиб, олтин ҳақида Москвага қилдиришни сўради, Сталин дарқол розилиқ қилдиқарди.

Сталин юборган телеграммадан икки қун ўтқандан сўнг Совет элчихонасида мен Негрин билан учрашқим. Қолия вазир оддий, содда, одамшаванда зиёли инсон бўлиб, қоммунизмни теория сифатида қабул қилмас, лекин «Улуғ рус эксперименти» га ҳайрихоҳлик қилдиқарди. Унинг сиёсий соддалиғи бизларга олтинни ташвишсиз,

бемалол Москвага жўнатишга имкон тугдирарди. Бундан ташкари ўша вақтда Испаниянинг СССРдан бошқа иттифокчилари ҳам йўқ эди.

— Олтин каерда? — сўрадим мен.

— Картахеннинг ёнгинасида, — жавоб берди Негрин, — Харбий омборлар учун жихозланган горлардан бирида.

Бу катта омад эди. Картахена портида ҳаммавақт бир нечта совет кемалари бўлиб турарди.

Молия вазиридан ташкари, бу операциядан республика ҳукуматининг яна бир вазири — Индалесио Прието хабардор эди. У харбий денгиз ва ҳаво кучларини бошқарарди. Одессагача олтинларни транспортларда кўриклаб етказиш унинг тўлиқ жавобгарлигида эди. Учовлон операция режасини тузиб чиқдик.

Яшин тезлигида ҳаракат килиш зарур эди. Худо кўрсатмасин, олтин тўғрисида хабар бизлардан тез етиб борса, итальянлар бизни куршаб олиб, унинг йўлини бекитардилар. Бундан ташкари испанларнинг ўзлари ҳам бизларни мамлакатдан чиқармасдилар. Ким ҳам ўз олтин захирасини бошқаларга беришни истайди?

Менинг жавобгарлигимда 12X19X7 дюмдаги карийб 10 минг дона яшик бор эди. Хар бирида 145 фунт олтин, жаъми 725 тонна. Эртасига мен Картахенага жўнадим. Менинг эски дўстим, бўлажак Харбий Денгиз Флоти вазири Николай Кузнецов шу ерда экан, у курол-яроғ ва ўк-дори туширган кемаларни шайлашга ҳозирлик кўрарди. Олтинларни портга ташиш масаласи ҳам ўз-ўзидан хал бўлди, ҳозиргина Картахенага полковник Кривашеин (Меле) бошчилигида танк бригадаси етиб келди. У менга 20 та юк машинаси ва ўзининг энг яхши хайдовчиларини ажратди. Хайдовчилар испан денгизчилари формасида кийинтирилганди. 60 хакикий испанлар эса карвонни кўриклаб борардилар. Улар яшикларда нима борлиги тўғрисида тушунчага эга эмасдилар. Совет кемаларининг денгизчилари ҳам ҳеч нима билмасдилар. Шундай қилиб, 20 октябрь кечаси операция бошланди.

Бизга билдиришларича, юкни кузатиб бораётган испанларнинг ҳаммаси бир қолипга терилганидек, бўйи паст денгизчи-Каввослар эдилар, икковлон бир яшикни кўтарар ва уни машинанинг кузовига элиб кўярдилар. Юкларни 10 машина колонна бўйлаб ташир, қоровул жавобгарлигида 500 яшик бор эди.

Юклаш уч кун давом этди. (Кундузлари иш олиб борилмасди). Омад қулиб бокканидек, тунлар коп-коронги, ой шуъла бермасди. Юк машиналари ўчирилган фаралар билан борар, баъзида йўлдан адашар ва тўхтаб қоларди. Ҳаммасидан ҳам мен испан патрулларида кўрқардим, чунки бирорта «испан» хайдовчиси испанчани билмас, кўп ўйламасдан уларни немис жосуслари деб билишлари, бирор машинани хибсга олиб, яшикларни очишлари, унда... Иккинчи жиддий ҳавф бомба ташлаш эҳтимоли, ахир омборда олтиндан бошқа ўк-дорилар тўла эди, бир тўғри тушум бизларни олтин билан кўшиб тит-питимизни чиқариб, майдалаб, молекулаларга айлантириши мумкин.

Мен ўрта ҳисобда суткасига 4 соат ухлардим. Испанлар горда олтинлар орасида юрар, яшиқларнинг ичидагидан хабарсиз эдилар. Жудаям бетокатлари танаффус пайтлари (сандиклардаги миллионлар устига ўтириб) майда чакага картада кимор ўйнардилар.

Охир-окибат сўнгги кечада немислар учиб келишди, улар узок ва муттасил бомбалар ёғдиришди, бир испан крейсери чўктиришди. Бу ерда ҳам бизларга омад кулиб бокди — бирор-бир кемамиз шикаст топмади. Тун якунига караб, 7800 яшиқ кемаларга ортиб бўлинганди. Бу Испан Республикаси олтинининг тўртдан уч қисми эди.

Охирги яшиқни ортганимизда, мен бирканча кўнгилсиз дакикаларни бошдан кечирдим. Молия вазирлиги амалдори мендан олинган олтинлар учун тилхат талаб килди. Амалдорнинг сурункали уйқусизликдан кип-кизариб кетган кўзларига карамасликка ҳаракат килиб, бундай ҳужжатнинг зарур эмаслигини уқтирдим. «Компаньеро, мени сизга тилхат беришга ҳақким йўқ, ташвиш тортманг, сиз сўраган ҳужжат Москвада, давлат банкида, ҳамма олтинлар ўлчаниб, ҳисоблангандан сўнг берилади».

Испан амалдори жуда каттик хаяжонда эди, чунки ўша вақтларда салгина янглиш хато ўлим билан баробар эди. Мен уни иложи борица тинчлантиришга уриндим, юкни назорат килиб бориш учун молия вазирлигидан тўрт вакил ажратишларини сўрадим. Хар бир кемага бир нафардан. Испан амалдорининг бунга рози бўлмасдан иложи йўқ, чунки юклар совет кемаларига ортилганди. Икки соатдан кейин кемалар карвони Одессага караб йўл олди.

Одессага жуда катта микдорда НКВДнинг Москва ва Киевдаги юкори мартабали амалдорлари етиб келишди. Бир неча кеча улар худди оддий юк ташувчидай, кимматбаҳо яшиқларни ташидилар. Олтин махсус поездга ортилди, айникса, порт ва вокзал оралигидаги йўл ҳарбийлар билан зич ўралганди. Душманнинг орка томонига рейд ташкил килинганидек, поездни юздан ортик НКВД зобитлари кузатиб бордилар.

Юк Москвага келиб тушиши биланок, Сталин эртаси куни кечаси НКВД зобитлари учун базми жамшид уюштирди. Кабулда Сиёсий Бюронинг ҳамма аъзолари бор эди. Ўзининг инкилобий фаолиятини машхур «экс» лардан (инсон тилида талондан) бошлаган Иосиф Виссарионович учун бундай катта лукма, талончилардан (буржуазиядан) тортиб олинган бойликлар соҳасидаги катта бир ютук эди. Шу кабулда иштирок этган ўртоғимнинг кулогига Ежов астагина шипшиди: «Сталин менга айтди, улар бу олтинни ўз кулоқларини кўрмагандай бошка кўролмайдилар».

«Олтин» операцияси ва менинг СССРга қайтишимдан кейин 21 ой ўтди. Шу вақт мобайнида ҳеч ким испан олтинининг тақдири билан кизикмади, фақат бир марта Негрин мендан хайрон бўлиб сўради: «Бизнинг вазирликдаги йигитлар қани, ўша тўртовлон? Россияга борганларига бир йилдан ошди, ҳали ҳам улардан дарак йўқ, нега уйларига жўнатишмаяпти?»

Франко Мадридни иш-ол килгандан сўнг, олтин тақдири билан кизикиши керак эди. Аммо 18 йил мобайнида давлат хазина захираси олтинлари йўқолганлиги тўғрисида ҳеч ким чурк этмади. Ҳамма вақт ҳам катта кучга эга бўлмаган испан валютаси, агар жаҳон

биржаси олтин захиралари йўглигини билса, бутунлай инкирозга юз тутиши мумкин. Сукунат факатгина 1956 йилнинг декабрь ойида доктор Хуан Негриннинг вафотидан кейингина бузилди. Унинг шахсий коғозларини тахлил қилаётган Испан Ташки Ишлар Вазирлиги амалдорлари испан олтинининг СССРга жўнатилганлиги тўғрисидаги хужжатларни топдилар.

Бир неча муддат ўтгандан сўнг «Правда»да мақола чоп этилди. У ерда муаллиф ҳақиқатан ҳам Испаниядан 500 тонна олтин олиб келингани, эмишки, бу олтинлар Испан ҳукуматининг қурол-яроғ ва ўқ-дори учун тўловлар қаровати сифатида берилганмиш. Испаниядан СССР пул олмаган, ҳаттоки испан олтинини ўзлаштириб ҳам, СССР зарар қўрган, унинг миқдори 50 минг долларни ташкил этади, дейилганди. Мана шунақа гаплар...

Александр ОРЛОВ

Рус тилидан Субҳон УСМОНОВ таржимаси